



ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Абдуллаев Б. М.

Андижон давлат университети таянч докторанти

Таянч сўзлар: таълим, ҳуқуқий меъёрлар, ўқувчи, маданият, кўникма, технология, фуқаро, қар ва заиф эшитувчи бола, малака.

Ключевые слова: образование, правовые нормы, ученик, культура, навыки, технологии, гражданин, глухой и слабослышащий ребенок, квалификация.

Key words: education, legal norms, textbook, culture, skills, technology, citizen, deaf and hard of hearing child, qualification.

Резюме: Ушбу мақолада имконияти чекланган бошланғич синф ўқувчилари ҳуқуқий маданиятини шакллантириш педагогик муаммо сифатида маълумотлар келтирилган.

Резюме: В данной статье представлена информация о формировании правовой культуры учащихся начальных классов с ограниченными возможностями как педагогической проблеме.

Summary: This article provides information on the formation of the legal culture of primary school students with disabilities as a pedagogical problem.

Бугунги кунда жаҳон таълими амалиётида ёшларни меҳнат бозорига тайёрлашнинг инновацион ёндашувларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, таълим олувчиларнинг ижтимоий кўникмаларини жадал ривожлантириш масаласи долзарб саналмоқда. Ижтимоий кўникма ва малакалар сирасига ўзини англаш, шахс-фуқаро сифатида ўзини намоён этиш ва бу жараёнда ҳуқуқий меъёрларга риоя этиш кабиларни киритиш мумкин. Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлод орасида қар ва заиф эшитувчи болалар ҳам борки, улар ҳам соғлом тенгдошлари каби сифатли таълим олиш, комплекс (жисмоний, ақлий, рухий, ижодий...) ривожланиш, қизиқишлари бўйича машғулотларда иштирок этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар. Мазкур тоифа болаларнинг ҳуқуқий маданиятини таълимнинг бошланғич давридан шакллантириш масаласи ижтимоий-педагогик тавсифга эгадир.



Ҳуқуқий маданиятли ёшларни шакллантиришда таълим муассасаларининг ўрни ва роли каттадир. Хусусан, мактаб инсоннинг умри давомида тизимли ва дастурли ўрганиши бўйича энг кўп даврни ўз ичига оладиган даврдир. Шу даврда ёшларга ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини фанлар мазмунига сингдирган ҳолда ўқитиш имконияти кенгдир. Айниқса, қар ва заиф эшитувчи болаларга ҳуқуқий тушунча ва атамаларни ҳамда уларнинг ҳаётдаги ўрнини ўргатиш ўзига хос методик йўл ва махсус педагогик шароитларни тақозо этади. Қар ва заиф эшитувчи болалар учун мўлжалланган махсус мактаб-интернатларида ҳуқуқий билим бериш жараёнларига инновацион ёндашувларни жорий этишда ўқитишнинг хусусий ёндашувлардан фойдаланиш талаб этилади.

Бугунги кунда соғлом ёшлар қаторида имконияти чекланган, хусусан, қар ва заиф эшитувчи болалар ҳуқуқий саводи, онги, маданиятини ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Ҳар бир илмий тадқиқот ўзида муайян методик тавсияни, педагогик шарт-шароитни илгари суради. Қуйида тадқиқот муаммосига оид илмий изланишларни ўрганиш бўйича олиб борилган ишларимиз натижаларини келтирамиз.

М.Г.Баумова ўзининг “Функции правовой культуры” мавзусида олиб борган тадқиқотида ҳуқуқий маданият функцияларининг моҳияти ҳамда жамият ва давлат ривожланишида ҳамда барқарор муносабатларга эришишдаги ўрнини очиб берган. Тадқиқот натижасида ҳуқуқий маданиятнинг ҳар қандай функциясини қуйидаги элементлар ташкил этиши аниқланган: ҳуқуқий ва фактик асослар, объект ва субъектлар, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатларни амалга оширишнинг усули, йўли, ва методлари, мақсад ва вазифалар, эришилган натижалар (юридик ва умумижтимоий). Олим томонидан ҳуқуқий маданият функцияларининг таснифлари келтириб ўтилган, улар: идеологик, экологик, демографик. Бундан ташқари мазкур ишда ҳуқуқий маданиятга оид атамалар, таърифлар таҳлил этилган бўлиб, олим томонидан қуйидаги таъриф шакллантирилган: “Ҳуқуқий маданият бу ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларнинг сифат ҳолатини, қонунчиликнинг ривожланганлигик даражасини, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий амалиёт ҳамда шахснинг ҳуқуқий ривожланишини акс эттирувчи, жамият ҳаётининг барча соҳаларига прогрессив таъсир этувчи ҳуқуқий кадриятлар тизими бўлган маънавий- моддий маданият туридир” .

Н.В.Галустянининг “Правовая активность личности в механизме формирования социально-полезного поведения” мавзусида олиб борилган ишида турли даврларда, асосан, ўтган асрнинг 80-90 йилларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича илмий-амалий тажрибалар таҳлил



этилган. Бунда шахсининг хукукий маданиятини шакллантериш масалалари давлатнинг иктисодий-сиёсий киефаси билан боғлиқ ҳал этилиши таъкидланган. Тадқиқот натижасида шахс хукукий фаоллигининг қуйидаги аспекти аниқланган: 1) хукукни билиш (ахборотли), 2) хукукқа мунобат (баҳоловчи), 3) хукукий хулқ-атвор установакалари (регулятив), 4) ўзи қонуний ҳатти-ҳаракатларининг ижтимоий заруратини англаши (когнитив). Мазкур аспекти доирасида шахсининг хукукий фаоллигига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Олимнинг фикрича: “Шахс хукукий хулқ атворининг юқори даражаси бу хукукий фаолликка қурилган ижтимоий-фойдали ҳатти-ҳаракатлардир. Айнан ҳатти-ҳаракат, яъни меъёрларга мувофиқ ҳатти-ҳаракат инсоннинг хукукий муносабатларга тайёрлигини ташкил қилувчи таянч тушунчадир. Шахс хукукий фаоллигига таъсир этувчи омил бу ўзининг мавжудлигига, фуқаролик хукуқларининг амалга ошишига қизиқишидир”. Бундан ташқари мазкур тадқиқот доирасида хукукий фаолликнинг қуйидаги даражалари ажратиб берилган:

1. Фаол-фойдали даража (фаол позитивизм).
2. Пассив-фойдали даража (пассив позитивизм).
3. Конформ (мувофиқ)-фойдали даража (мувофиқ позитивизм).

Хасанова С.А. томонидан “Правовое воспитание старших подростков в средней общеобразовательной школе” мавзусида олиб борилган тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар доирасида тажриба-синов ишлари олиб борилган:

ўқувчиларнинг хукукий тарбияси муаммосини доирасида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш;

“хукукий компетентлик”, “хукукий тарбия” тушунчалари моҳиятини аниқлаш;

умумий ўрта таълим мактабларида тарбиявий ишларнинг функционал моделини асослаш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

умумий ўрта таълим мактабларида ўсмирларнинг хукукий тарбияси самарадорлигига таъсир этувчи педагогик шарт-шароитларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг назарий асосларига доир хулосаларида хукукий тарбия бу педагоглар, ота-оналар, ўқувчилар, хукукни ҳимоя қилувчи ташкилот мутахассисларининг кўп мақсадли уйғун фаолияти эканлиги айтиб ўтилган. Тадқиқот доирасида хукукий маданиятни шакллантеришда қўлланилиши мумкин бўлган усул, йўл ва технологияларга оид олиб борилган илмий ишлар ҳам ўрганилди. Чунки қар ва заиф эшитувчи болалар таълимининг ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда хусусий методикаларга асосланади. Демак хукукий маданиятни шакллантеришда



миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳам тадқиқот муаммосини ҳар томонламан ҳал этишда муҳим вазифадир. Шунинг учун бу бўйича таҳлил қилинган изланишлар шарҳларини келтирамиз.

Юқорида келтирилган илмий иш натижаларига таянишимиздан асосий мақсад шуки, қар ва заиф эшитувчи болалар ҳам хавф гуруҳига киради. Чунки улар атрофдагиларнинг ғаразли ниятларини билмаган ва сезмаган ҳолда салбий вазиятларга, ҳуқуқий манфаатлар кесишадиган, қонун бузилувчи ҳолатларга учраши осон. Чунки уларнинг психологик хусусияти шундайки, улар одамларнинг “кинояли”, тагида хавф беркинган “сахийлик” акс этган фикрларини тушунмайдилар. Улар эшитган ва кўрган ахборотини борича қабул қиладилар. Биров ёрдам сўрадимиз, демак, албатта бу одамга ёрдам бериш керак деб ўйлайди ва таҳлилсиз жараёнга киришиб кетади. Шунинг учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда айнан шу каби хусусий аспектларга ҳам эътибор қаратиш керак деб ҳисобладик.

Ҳуқуқий маданиятнинг негизини ҳуқуқий онг ташкил этишини инобатга олиб, ҳуқуқий онгнинг шахс шаклланишидаги ва ижтимоийлашувидаги ўрнига оид манбалар ҳамда тажрибаларни ўргандик.

Мавзуга оид тадқиқотлар жараёнида мамлакатимиз олимларининг илмий изланишларини ҳам алоҳида тартибда ўрганиб чиқдик. Жумладан, тадқиқотчи олима Д.Сагдуллаева ўзининг илмий тадқиқотларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид қарашлар, концепцияларни таҳлил этди, уларнинг фан ва демократлашиб бораётган ижтимоий амалиёт ривожланишидаги умумфалсафий ва методологик аҳамиятини ўзига ҳос тарзда асослаб берди. Унинг тадқиқот натижалари ҳуқуқий маданият жамият ҳаётида қайси қарашлар ва илмий назариялар асосида шаклланишини очиб берди ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Ўрганилган тадқиқотлар барчаси умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилган методик, педагогик ишларга оид бўлгани сабабли, махсус мактаб, мактаб-интернатлари ўқув жараёнида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир тадқиқот ишларини ҳам ўраганишга эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий маданиятни юксак бўлиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланишига ва адолатли фуқаролик жамият қурилиши йўлидаги барча ислохатларни юридик жиҳатдан таъминлашига хизмат қилади. Унинг муаммоларини ўрганиш ва ҳуқуқий ечимини топиш бугуннинг муҳим талабидир.

Ҳуқуқий саводхонлик ва билимларни амалий ҳаётда қўллай олиш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг мазмун-моҳиятига боғлиқдир. Шу нуқтаи



назардан караганда, ҳуқуқий таълим ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қилишини таъминлашнинг зарурий шарти ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-486
2. Алиқулова Ҳ.Б. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий адолат тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари: Пед.фанл.номз... дисс. - Т.: 2008. - 130 б.
3. Баумова М.Г. “Функции правовой культуры”, юр.фанлар номз.дисс. автор, 2005 й., Нижний Новгород 27-Б, 7-бет.
4. Жумаев Н.Е. Умумий ўрта таълимни инсонпарварлаштиришда ўқитиш тамойиллари ва методларининг ўзаро алоқадорлиги: Пед. фанл. номз. ... дисс. автореф. - Т.: 2005. - 22 б.
5. Галустян Н.В. “Правовая активность личности в механизме формирования социально-полезного поведения”, юр.фанлар номз.дисс.автореф, Ростов-на-Дону, 2005, 26-б,-17-Б.
6. Хасанова С.А. “Правовое воспитание старших подростков в средней общеобразовательной школе”, пед.фан.номзоди дисс автореф.-Сургут, 2007 йил, 21-б, 5-Б.
7. Ибодуллаева О.Н. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда инсонпарварликни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фанл. ном. ... дисс. - Т.: 2005.-141 б.
8. Тўйчиева.Х. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари., юр.фан.номз. дисс. Т.: Тошкент Ислон Университети, 2019.